Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 2 август, № 148 (6583) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

## Кўзлари ёниб турган ёшлар

### таянчимиз, суянчимиз, ғуруримиздир




*Баркамол авлодни тарбиялаш халқимиз учун мустақиллик йилларида энг устувор мақсад, умуммиллий вазифага айланди. Пировардида қисқа вақт ичида ушбу йўналишда улкан натижаларга эришилди. Эскича қолип ва андозалардан мутлақо холи, эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ҳамда касб-ҳунарни пухта эгаллаган, ўз юрти, халқига фидойи фарзандлар вояга етди. Улар она-Ватан равнақи йўлидаги юксак марраларга эришишда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқди.*

4 ▸▸





Суратлар «Халқ сўзи» фотожамламасидан олинди.

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси ташаббусига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. Икрамовнинг “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлашга, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлари бажарилишининг бориши тўғрисида”ги ахборотига оид парламент эшитуви ўтказилди.

## Давлат дастури ижроси — депутатлар эътиборида

Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2016 йилга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар, қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил ишлари режаси ва “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган ваколатлар доирасида ташкил этилди.

Таъкидланганидек, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ўтган йиллар давомида халқимиз саломатлигини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлиги ва умр кўриш даражасини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ҳамда унинг тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Соғлом она — соғлом бола” концепцияси халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. У изчил амалга оширилаётгани туфайли дунё тажрибасида илк бор ҳомиладор аёлларни таркибида инсон ҳаёти ва саломатлиги учун зарур бўлган микроэлементларга бой поливитаминлар билан таъминлаш амалиёти йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

## Кучли билим ва заковат эгаларига омад кулиб боқади

### Кеча мамлакатимиз олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтди.

Ёш авлодни пухта билимли, етук малакали мутахассислар этиб камол топтириш мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсадидир.

**АБИТУРИЕНТ — 2016**

Зеро, Президентимиз раҳнамолигида соҳани янада такомиллаштиришга юксак эътибор қаратилиб, навқирон авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай, энг замонавий шарт-шароитларга эга ўқув даргоҳларида илм олишлари, салоҳият ва иқтидорларини кенг намоён қилишлари учун яратилаётган беқиёс имкониятлар бунинг яққол тасдиғидир.

Қувонарлиси, илм-фан, саноат, ахборот-коммуникация технологиялари, спорт каби қатор соҳалар жадал суръатларда тараққий этиб бораётган ҳозирги шароитда ушбу жабҳаларда ўз ўрнини топиб, замон билан ҳамнафас яшашга, Ватан равнақига ҳисса қўшишга интилаётган шижоатли йигит-қизларимиз сафи тобора кенгайиб бораётир. Айниқса, мамлакатимиздаги таълим муассасаларида янгидан-янги мутахассисликлар, илғор педагогик услублар амалиётга фаол жорий қилинаётгани ана шундай эзгу ниятларга қанот бағишламоқда.

(Давоми 4-бетда).

## АВГУСТ — ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИШ ЗАРБДОР ОЙИ

*Август ойи мамлакатимиз деҳқонлари учун энг тиғиз, айни чоғда, ўта масъулиятли давр ҳисобланади. Зеро, пахтачиликда унинг ўрни жуда муҳим бўлиб, ҳосил салмоғини ошириш учун энг қулай пайтдир.*

Дарҳақиқат, ушбу ойда агротехника талабларига изчил амал қилиниб, ғўза парваришига янада кўпроқ эътибор қаратилса, экин ривожи тезлашиб, шоналар гулларга, гуллар кўсакларга айланади. Бўлиқ кўсаклар эса август охирларидан бошлаб очилиб, лўппи-лўппи пахта бўлади.

Жорий мавсумда юртимизда ғўзанинг юқори сифатли тола берадиган, эрта ва ўртапишар “С-6524”, “Бухоро-102”, “Наманган-77”, “Султон”, “С-4727”, “Бухоро-6”, “Омад”, “Меҳнат” каби минтақаларимиз тупроқ-иқлим шароитига мос навлари парваришланаяпти.

Ғўзанинг бугунги ҳолати кўнгилдагидек. Офтобга талпинган ниҳоллар кун сайин, таъбир жоиз бўлса, соат сайин ўсмоқда. Бироқ бу хотиржамликка асос бўла олмайди. Мўлжалдаги ҳосилни тўплаш учун парваришни асло сусайтирмаслик зарур. Ахир тажрибали деҳқонлар “Август — ҳосилга ҳосил қўшиш зарбдор ойи” эканлигини яхши билишади.

Бугунги кунга қадар чеканка қилиш тадбирларини якунлаган пахтакорлар асосий эътиборни ниҳолларни “шарбат” усулида суғориб, қатор ораларини юмшатиш, бегона ўтлардан тозалаш, ҳосил зараркунандаларига қарши курашиш ишларига қаратишмоқда.



Маълумки, деҳқончилик тақвимига кўра, август — асад ойи ҳисобланади. Халқимизнинг “Асад — экинингни ясат” деган ажойиб мақолидан ҳам англаш мумкинки, ғўза парваришидаги муҳим агротехника тадбирлари мазкур пайтга тўғри келади. Шунинг учун бу ойда ҳамма фермернинг ёнида туриши, айниқса, сувчи, механизатор ҳамда энтомологлар ўз вазифасига масъулият билан ёндашмоғи даркор. Чунки августда бажариладиган агротехника тадбирларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, уларни бекаму кўст адо этмасдан туриб, мўл ҳосил олиш мушкул. Демак, асад ойида экинни том маънода ясатиш керак. Бунинг учун, аввало, уни маромида суғориш зарур. Ушбу муҳим тадбир ўқариқлар оралиғини калта олиб, эгатдаги сувни “етаклаб”, тунда “шарбат” усулида амалга оширилса, янада яхши. Натижада обиҳаёт офтоб тиғида буғланмай, исрофгарчиликнинг олди олинади, энг муҳими, ғўза қониб сув ичади.

Сувни ўз вақтида тарашда ҳам ҳикмат кўп. Агар суғориш тадбири кечиктирилиб, ғўза чанқатиб қўйилса, у гул ташлайди. Борди-ю, кўллатиб юборилса, экин бўйига зўр бериб, ғовлаб кетади. Оқибатда ҳосил тугунчалари етарли миқдорда озуқа ололмай, “сиқилиб” қолади, димиқиб, моғорланиши туфайли тўкилиб кетади. Шу маънода, сувчию мироблар мавсум давомида ишга диққат билан ёндашиб, мутахассислар маслаҳатларига амал қилишса, кутилган натижага эришилади.

Айтиш жоизки, август ойида ғўза қатор ораларига “шарбат” оқизишнинг фойдаси ниҳоятда катта. Чунки маҳаллий ўғит берилган қатор ораларида нам узоқ сақланиб, эгатлар тезда ёрилиб кетмайди, сувга бўлган талаб эса узаяди. Шунингдек, олдин берилган минерал ўғитларнинг ўзлаштирилиши яхшиланиб, органик ўғитга бўлган талаб қондирилади. Пировардида “шарбат” сувига тўйган ғўза ривожи 8 — 10 кунга тезлашади ва мўл ҳосил тўплайди. Бу йил қайси фермернинг юқори хирмон уйишини унинг пайкал бошига чиқарган маҳаллий ўғитининг миқдорию уни нечоғли маҳорат билан жўякларга оқизаётганидан ҳам билиб олса бўлади.

(Давоми 2-бетда).

## Эркин иқтисодий зоналар

### ҳудудларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуннинг Жиззах вилоятида ижро этилиши ҳақидаги ахбороти тингланди.

Сенат аъзолари, мутасадди вазирликлар, тегишли идоралар вакиллари ҳамда бошқалар иштирок этган мазкур тадбирда мустақиллик йилларида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш саъй-ҳаракатлари изчил олиб борилгани, бизнес юритиш шарт-шароитини яхшилашга доир аниқ мақсадга йўналтирилган дастурлар мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити шаклланиши, хорижий инвестициялар ҳажми ошишининг муҳим омили бўлаётгани таъкидланди.

“Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар бу борада дастуриламал бўлмоқда.

Айниқса, “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонун инвестициялар жалб қилиш ва жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятларини кенгайтирди. Бинобарин, Президентимиз ташаббуси билан “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий ҳамда “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналари ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

## Биз дунёга чиқаяпмиз

Истиқлолга эришганимиздан кейин Республика “Ҳунарманд” уюшмаси, жойларда эса унинг бўлимлари ташкил этилди.

**ДИЛ СЎЗИ**

Бир пайтлар уста ва ҳунармандлар ўзи яратган буюмларини сотиши у ёқда турсин, шундай нияти борлар ҳам турли тўсиқларга учраган бўлса, бугун ҳар бир туман ҳамда шаҳардаги бозорлар ва савдо мажмуаларида махсус савдо расталари яратилган. Бу ҳунармандчилик ривожига, биз, ҳунармандларга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётгани мевасидир.

Хусусан, мамлакатимизда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, халқ бадиий ҳунармандчилиги ҳамда амалий санъати билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ўзлари ясаган буюмларни юртимиздан ташқарида сотиш, кўргазмаларга боришда бож тўловидан озод қилинганлар. Энг муҳими, ҳунармандлар ижтимоий суғурталаниб, иш даври белгиланган тартибда меҳнат стажига қўшилаётир. Бу эса, ўз навбатида, янгича руҳ, куч-ғайрат билан ишлашга, бетакрор санъат асарлари яратишга ундамоқда.

(Давоми 3-бетда).

## Маҳалла маслаҳатчиси: Зукко, ташаббускор ва ташкилотчи

Гулистон шаҳрида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Нуроний” жамғармаси, Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, Дин ишлари бўйича қўмита, Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган “Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси” республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

**ТАНЛОВ**

“Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида ўтказилган мазкур танловда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, жойлардан келган маҳаллалар фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Эътироф этилганидек, истиқлолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ана шу янгиланишлар жараёнида халқимиз бой тарихий тажрибасини ўзида мужассам этган ноёб бошқарув идораси — маҳалла институтининг иштироки, ўрни ҳамда таъсири тобора ортиб бораётир. Хусусан, унинг ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда жамиятда аҳиллик ва тотувликни таъминлаш борасидаги аҳамияти, айниқса, салмоқли бўлаяпти. Айни чоғда аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ҳамда оилавий бизнесни ривожлантириш маркази сифатида ҳам ўзини тўла намоён этмоқда.

Бу борада ушбу ноёб тузилманинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий ҳаётдаги иштирокини янада кенгайтириш мақсадида олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этаётир. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан 2004 йилда фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими таъсис этилган эди.

(Давоми 2-бетда).

# Давлат дастури ижроси — депутатлар эътиборида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур жараён йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Натижада камвазнли болалар туғилиши, ирсий касалликлар ҳамда туғма нуқсонларнинг олди олинаяпти. Болаларнинг ўткир респиратор вирусли инфекциялар, пневмония, бронхит, сколиоз билан касалланиш ҳолатлари камаймоқда. Юртимиздаги 92 фоиз ўғил-қизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

"Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинган жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилаётгани мажлисда айтиб ўтилди. Хусусан, перинатал ҳамда скрининг марказларининг моддий-техника базаси, кадрлар салоҳиятини янада ошириш, олис поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг хизмат кўрсатиш самарадорлигини яхшилаш, патронаж тиббиёт ҳамширалари сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Парламент эшитувида депутатлар "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг айни шу жиҳатлари бажарилиши юзасидан олиб борилаётган амалий ишлар, соҳада мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича илгари сурилаётган ташаббусларни кенг муҳокама қилди.

Кун тартибидаги масалани батафсил муҳокама этиш жараёнида сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқди.

Жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар ушбу йўналишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни эътироф этган ҳолда, мамлакатимизда тиббиёт соҳасини янада ривожлантиришда, айниқса, олис қишлоқлар аҳолиси учун юқори малакали тиббий хизматлар кўрсатилишини йўлга қўйишда соҳага хусусий секторни фаол жалб қилиш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, тиббиёт муассасалари барпо этиш, реконструкциялаш, капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини яхшилаш бўйича Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши юзасидан самарали мониторинг ишларини олиб бориш ва назоратни кучайтириш каби масалаларнинг ҳал этилишига эътибор қаратди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан тиббиёт муассасаларининг салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш, хусусан, тиббиёт бирлашмаларининг тор доирадаги мутахассислар, бирламчи тиббий муассаса ҳисобланган олис ҳудудлардаги қишлоқ врачлик пунктларини умумий амалиёт шифокорлари каби малакали кадрлар билан етарли даражада таъминлаш, шунингдек, умумтаълим ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини, шу жумладан, нодавлат таълим муассасаларни белгиланган тартибда тиббиёт ходимлари билан таъминлаш масаласига эътиборни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сайловолди дастурида аҳоли кенг қатламига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтириш, шу билан бирга, барча жабҳа каби соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши ҳамда амалга оширилиши тарафдори эканлиги белгиланган. Шундан келиб чиқиб, фракция аъзолари Давлат дастурининг "Оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини янада ошириш, кучли, барқарор ва равнақ топаётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш"га оид бўлимида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишига эътиборни янада кучайтириш зарурлигини қайд этди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси вакиллари Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишида Ҳукумат томонидан даволаш-профилактика муассасалари ҳамда қишлоқ врачлик пунктларининг дори-дармон ва даволаш воситалари билан таъминланиши, қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо қилиш, аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатиш даражасини юксалтиришга доир ишларни изчил давом эттириш, бу борада қўшимча чора-тадбирлар кўрилиши лозимлигига эътибор қаратишди.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар томонидан гени модификациялашган маҳсулотларнинг мамлакатимизга четдан кириб келиши, аҳоли ўртасида ижтимоий, юқумли ҳамда хавфли ўсма касалликларнинг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш ва даволаш ишларини такомиллаштириш, соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш зарурлиги айтиб ўтилди.

Муҳокама чоғида баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлашга, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлари бажарилишининг бориши тўғрисида"ги ахборотни маълумот учун қабул қилди.

Парламент эшитуви якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига Давлат дастури ижроси самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар берилди.

Шунингдек, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларига, қўмиталарга ўз фаолиятида Давлат дастурининг сўзсиз ҳамда самарали бажарилишига эътибор қаратиш, парламент назорати институтидан фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# АВГУСТ — ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИШ ЗАРБДОР ОЙИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ғўза парваришида культивация қилишнинг ҳам аҳамияти беқиёс. Қатор ораларининг юмшатилиши тупроқдаги ҳаво алмашувини яхшилаб, унда ҳосил ривожи учун қулай микроиқлимни вужудга келтиради. Натижада кўсаклар етилиб, вазни ортади. Жорий мавсумдаги шароит инобатга олиниб, август ойида культиваторларни ҳар суғоришдан сўнг далага чиқариб, қатор ораларига сифатли ишлов бериш тавсия қилинади.

Мабодо, культивация кечиктириб ўтказилса, жўяклар қуриб, юзаси ёрилади, ғўзанинг илдизлари шикастланади, намлик тез йўқолади, бегона ўтлар кўпаяди, гул ҳамда тугунчалар тўкилиб, ҳосилдорлик 10 — 15 фоиз пасаяди. Бошқача айтганда, культивацияни ортга суриш оқибатида гектарига 3-4 центнер ҳосил бой берилиши мумкин.

Мазкур агротадбирнинг бажарилиши жараёнида тракторларнинг ишчи қисмлари "балиқ сирти" қилиб ўралган, ғилдираклар олди суйри қилиб ҳимояланган бўлиши шарт. Бу жараёнда шундай мақбул тезлик танланиши керакки, токи трактор бир маромда ҳаракатлансин. Ана шунда сувдан кейин униб чиққан бегона ўтлар бутунлай йўқотилиши билан бирга, ҳосил шохлари ва кўсакларига зарар етказилмайди.

Кўп йиллик кузатувларга қараганда, август ойи кириши билан юртимизда ҳарорат пасайиб, тунлари салқин тушади. Бу кўсак қурти, ўргимчаккана каби зараркунандаларнинг кўпайишига шароит туғдиради. Модомики, бундай ҳашаротлар белги берар экан, дарҳол уларни йўқ қилиш чораларини кўриш зарур. Мамлакатимизда зараркунандаларга қарши курашда, асосан, биологик усулдан кенг фойдаланилади. Кўсак қуртига қарши унинг кушандаси ҳисобланган трихограмма, бракон ҳамда олтинкўз энтомофаглардан фойдаланиш яхши самара беради. Бу экологик жиҳатдан мутлақо безарар бўлиб, айни чоғда иқтисодий тежамкор ҳамдир.

Ғўзани август ойида парваришлашда юқорида қайд этилган барча юмуш ўз вақтида, сифатли уддаланса, экин ривожи жадаллашиб, ҳосилга ҳосил қўшилади. Агар улар маромида бажарилмаса ёки бирортаси сифатсиз ўтказилса, ҳосил чўғининг пасайишига сабаб бўлади.

Пахтакорларимиз август ойининг ҳар бир дамини ғанимат билиб, ғўзани қондириб суғориш, культивациялаш, қатор ораларини "варақлаб" чиқиш, кўсак қурти, ўргимчаккана, беда қандаласи, қора шира хуружидан ҳимоя қилиш, вилт ва бошқа хавфли касалликларга қарши курашиш каби тадбирларни ўз вақтида, сифатли олиб борсалар, ишончимиз комилки, пахта хирмонимиз янада юксак бўлади.

Шундай экан, ҳосилга ҳосил қўшиладиган ҳозирги ўта масъулиятли паллада тунни тонгга улаб, фидокорона меҳнат қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зотан, бугунги машаққатли меҳнат эвазига келадиган даромаддан, энг аввало, ўзимиз баҳраманд бўламиз. Қолаверса, у иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши, юртимиз обод, турмушимиз янада фаровон бўлишига хизмат қилади.

**Баҳодир ХОЛИҚОВ,**
**Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директори ўринбосари, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,**

**Жасурбек АБДУРАЙИМОВ,**
**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги пахтачилик ва техника экинларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

# Эркин иқтисодий зоналар

## ҳудудларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 18 мартдаги Фармони билан барпо қилинган махсус индустриал зона Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш мақсадига қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этди. Ўтган давр мобайнида мазкур индустриал зона инфратузилмаси объектлари қурилиб, электрлаштириш, газлаштириш тадбирлари якунланди. Йўл-коммуникация тармоқлари барпо қилиниб, корхоналар фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Тадбирда мазкур Қонун нормаларига мувофиқ, "Жиззах" махсус индустриал зонасида бир қатор ишлар олиб борилаётгани қайд этилди. Чунончи, шу пайтгача умумий қиймати 268 миллион АҚШ долларилик 25 та инвестиция лойиҳаси амалиётга татбиқ қилиш учун маъқулланди. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 18 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилган. Мазкур лойиҳалар натижасида мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилгани, шундан 60 фоизи олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари улушига тўғри келгани эътиборга молик. 2017 йилда қиймати 150 миллион долларлик 5 та инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари томонидан корхоналар қурилиши учун ер участкаларининг ўз вақтида ажратилиши ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларига уланиш учун зарур барча рухсатноманинг "бир дарча" тамойили бўйича берилиши таъминланаётир.

Йиғилишда Қонун ижросини таъминлашда мавжуд ресурслар ва имкониятлардан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланилмаётганлиги таъкидланди. Хусусан, корхоналар экспорт салоҳиятини кучайтириш учун шарт-шароит яратиш ва бутловчи буюмлар ҳамда материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Муҳокамаларда "Жиззах" МИЗ ҳудудига олиб кириладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар ва материалларга божхона имтиёзлари қўлланилишини янада соддалаштириш, шунингдек, эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш бўйича тўпланган тажрибани ҳамда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштиришга доир таклифлар киритиб бориш тавсия қилинди.

Тадбирда "Жиззах" МИЗ ва унинг ҳудудида хўжалик фаолиятини юритувчи корхоналар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Якунда тегишли қарор қабул қилинди.

**Қобил ХИДИРОВ.**

## Маҳалла маслаҳатчиси:

# Зукко, ташаббускор ва ташкилотчи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда бу лавозимларда юртимиз бўйича 8700 нафардан ортиқ хотин-қизлар самарали фаолият кўрсатмоқда. Айтиш лозимки, уларнинг барчаси бой ҳаётий тажрибага эга, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган, муҳими, кўпчиликка ижобий таъсир кўрсата оладиган, миллий анъана ҳамда қадриятларимиз мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларга теран етказа оладиган фидойи, ўз ишига масъулият билан ёндашадиган аёллар ҳисобланади.

"Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-аҳлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг ҳар бир босқичида бу жиҳат ўз тасдиғини топди. Унинг туман ва шаҳар босқичларида барча фуқаролар йиғинларининг маслаҳатчилари фаол қатнашди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида 193 нафар маслаҳатчи ғолиблик учун баҳс олиб борди. Улардан 14 нафари республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Кўрик-танлов доирасида Сирдарё вилоятидаги ўзгаришлар, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари билан яқиндан танишиш имконига ҳам эга бўлдик, — дейди Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги "Нурдиёр" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Сайёра Мирзаева. — Хусусан, "Жиззах" махсус индустириал зонасининг Сирдарё филиалидаги "Пенг Шенг" саноат мажмуидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган замонавий маҳсулотларни кўриб ҳайратландик. Мирзаобод туманида намунали лойиҳа асосида бунёд этилган массивдаги "Боғистон" маҳалла фуқаролар йиғинининг кўркам биносида яратилган шароитлар билан яқиндан танишиб, мамлакатимизда маҳалла институтини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини яна бир бор чуқур ҳис қилдик. Айниқса, бу ердаги маҳалла гузари ҳавас қилса арзигулик экан. Унда аҳоли учун ҳамма қулайлик мавжуд. Вилоят марказида жадал олиб борилаётган кенг кўламдаги бунёдкорликлар барчамизда ҳадемай Гулистон шаҳри таниб бўлмас даражадаги гўзал кентга айланади, деган фикр уйғотди. Асосийси, бетакрор ва муқаддас Ватанимизнинг ҳар бир гўшаси кун сайин обод бўлиб бораётганидан кўнглимиз ғурурга тўлди.

Гулистон шаҳридаги "Ёшлар маркази"да бўлиб ўтган кўрик-танловнинг республика босқичида иштирокчилар икки шарт бўйича беллашди. Биринчи шартда улар ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар, эришилган ютуқ ва илғор иш тажрибаларини замонавий ахборот технологиялари воситасида тақдим этишди.

— Бу ерда фаолиятимизда қўл келадиган кўплаб илғор тажрибаларни ўргандик, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги "Чўпон" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Тамара Маткаримова. — Хусусан, ҳамкасбларимизнинг маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш, ибратли миллий-диний анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларни оммавий спортга кенг жалб этиш, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасидаги тақдимотлари қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Маслаҳатчининг чуқур билимга эга бўлиши ҳамда кенг дунёқараши, қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини дилдан англаши, ташкилотчилик ва ташаббускорлик фазилатлари маҳалладаги турли масалаларга ечим топишда муҳим ўрин тутади. Шу маънода, танловнинг иккинчи шартида ушбу жиҳат эътиборга олингани ҳамма учун фойдали бўлди.

— Бугунги кунда маҳалланинг ҳаётимизда тутган ўрни беқиёс, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бош мутахассиси Фароғат Шокирова. — Таққос учун айтиш мумкинки, бир вақтлар одамлар маҳаллага фақат маълумотнома олиш учун мурожаат қилар эди. Айни чоғда эса у фуқароларнинг энг яқин кўмакчиси ҳамда маслаҳатчисига айланган. Бунда, албатта, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Зеро, эл-юрт ишончини қозонган бу аёллар аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларимизни миллий анъана ҳамда қадриятларга мос ҳолда Ватанга юксак меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, оилаларни мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш каби йўналишларда самарали фаолият олиб бораяпти.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, танловда Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги "Обод юрт" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муқаддас Худойназарова биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринлар Тошкент вилояти Қибрай туманидаги "Янгийўл" маҳалласи маслаҳатчиси Раъно Эргашева ҳамда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани "Янги Белтепа" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Феруза Раҳматиллаевага насиб этди. Турли номинациялар бўйича ҳам совриндорлар аниқланди.

— Бу кўрик-танловнинг маҳаллалар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда фуқаролар йиғинлари маслаҳатчиларининг билим ва малакасини оширишдаги ўрни беқиёс, — дейди танлов ғолиби М. Худойназарова. — Зеро, унинг барча босқичида маслаҳатчи зиммасидаги вазифалар нечоғли масъулиятли эканини юракдан ҳис қилиб турдик. Шу билан бирга, билим ва малакамизни юксалтиришдан ташқари, фаол ҳамкасбларимизнинг энг илғор иш тажрибасини ўрганиш имконига эга бўлдик. Айниқса, уларнинг тақдимотлари келгусида фаолиятимизни янада изчил ташкил этишда асқотишига ишонаман. Шундай нуфузли танловда муваффақият қозонганимдан мамнунман. Ўз навбатида, бу зиммамдаги масъулиятни янада оширади. Бундан кейин ҳам қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар самарали ижросини таъминлаш орқали маҳалланинг нуфузини янада юксалтиришга ва мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қиламан.

Ғолиб ҳамда совриндорлар ташкилотлар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова ҳамда Сирдарё вилояти ҳокими О. Ашурматов сўзга чиқди.



**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Тошкент шаҳрида 29 июль куни Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида "Кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар тақдим этиш" лойиҳаси бўйича навбатдаги Алмашув ноталари имзоланди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов, Японияниг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф. Като Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, таълим йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил февраль ойида Японияга расмий ташрифи, Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг 2015 йил октябрь ойида мамлакатимизга расмий ташрифи ўзаро муносабатларга янги суръат бахш этди.

Япония Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот ҳамда Ўзбекистон ва Япония ўртасида стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги қўшма баёнот асосида изчил ривожланмоқда.

Бу барча жабҳалар қатори фан-таълим соҳасида ҳам самарали ҳамкорликка асос бўлмоқда. Япония ҳукумати мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини изчил қўллаб-қувватлаб келаётир.

Хусусан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлашга доир қатор лойиҳалар учун грантлар ажратган. Япония ҳукумати билан 1999 йилдан буён амалга ошириб келинаётган кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ҳамда юқори малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган. "Кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар тақдим этиш" лойиҳаси доирасида шу кунгача ўзбекистонлик 280 талаба Кунчиқар юртда билим ва касб кўникмасини оширди.

Имзоланган навбатдаги ҳужжатга мувофиқ юртимиздан 15 талаба ўз мутахассислиги бўйича Япониянинг нуфузли университетлари магистратура босқичида таҳсил олиши учун қарийб тўрт миллион уч юз минг АҚШ доллари миқдорида грант ажратилади.

— Ўзбекистонда мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш йўлида кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда ҳамда бу барча соҳада ўз самарасини кўрсатмоқда, — деди Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фумихико Като. — "Кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар тақдим этиш" лойиҳаси доирасида Японияда таҳсил олган талабалар мамлакатингизда турли соҳаларда фаол иш юритаётгани, ўз салоҳиятини юртингиз равнақи ва халқингиз фаровонлиги йўлида сарфлаётгани қувонарлидир.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг амалий ифодаси бўлган бундай лойиҳалар таълим сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш баробарида, мамлакатларимиз ўртасидаги фаол ҳамда серқирра муносабатларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Беқиёс имкониятлар ва изчил изланишлар маҳсули

Мустақиллик берган беқиёс имкониятлар ҳақида сўз борар экан, ҳар бир юртдошимизнинг қалбидан "Ким эдигу ким бўлдик?!" деган ҳаётий савол ўтиши табиий.

**ИФТИХОР**

Дарҳақиқат, мамлакатимиз илгарири қолоқ, иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган аграр республикадан бугунги кунда изчил тараққий этиб бораётган замонавий индустриал давлатга айланди. Юртимиз саноатнинг мутлақо янги жабҳаларида, хусусан, автомобилсозлик соҳасида улкан натижаларни қўлга киритди. Ваҳолонки, бундан чорак аср муқаддам Ўзбекистон келажакда автомобиллар тайёрлайди, дунёнинг турли нуқталарида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ёрлиқ билан автоуловларимиз сотилади, деган гаплар биз учун гўёки ушалмас орзу, бир хомхаёл эди. Аслида, бу орзулар мустақилликнинг бешинчи йилида рўёбга чиқди.

Истиқлол йилларида соҳанинг ҳуқуқий асоси шакллантирилгани, мамлакатда қулай инвестиция муҳити яратилгани, инвесторларга имтиёз ва преференциялар тақдим қилингани автомобилсозлик тармоғини йўлга қўйиш, техник ҳамда технологик модернизациялаш, янги қувватларни ишга тушириш ва замонавий автомобиллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини берди.

Жойларда илғор корхоналар барпо этилиб, юртимизда тайёрланаётган енгил ҳамда юк автомобиллари, махсус транспорт воситаларининг тури 100 тадан ошиб кетди, двигателлар, кенг турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Бугун Ўзбекистон 10 га яқин мамлакатларга, шу жумладан, Яқин Шарқ ва Африка давлатларига енгил автоуловларни экспорт қилмоқда. Бу, албатта, ҳар биримизга ғурур ҳамда ифтихор бағишлайди.

Халқаро автомобиль бозоридаги кескин рақобат, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бундай натижаларга эришиш осон эмас. Бу ишлаб чиқаришни муттасил такомиллаштириб бориш, маҳсулот дизайни ва сифатини мунтазам яхшилашни, пухта маркетинг сиёсати олиб боришни тақозо этади. Эътиборлиси, буларнинг барчасини республикамиз таълим муассасаларида таҳсил олган мутахассислар бажармоқда. Айни чоғда автомобиль заводларида ишчи-мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг билим ҳамда тажрибасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Андижон машинасозлик институти, Фарғона политехника институти, Асака ва Самарқанд автомобилсозлик коллежлари битирувчилари соҳа корхоналарида муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Бугун ўзимизда ишлаб чиқарилган автоулов кириб бормаган хонадон қолмади, десак, айни ҳақиқат. Уни сўнгги йилларда аҳолининг автомобиллар билан таъминланиш даражаси ўсиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Агар 2000 йилда ҳар 100 оилага ўртача 20 та енгил автомобиль тўғри келган бўлса, айни пайтда бу рақам 41,4 тага етган. Оилаларнинг 11 фоиздан ортиғи иккитадан енгил автомобилга эга. Ушбу рақамлар мамлакатимиз жадал ривожланаётганидан, халқимиз фаровонлиги тобора ошиб бораётганидан далолатдир.

Автомобиллар кўпайгани сайин жойларда, айниқса, олис қишлоқлар, чекка ҳудудларда техник ҳамда сервис хизмати кўрсатиш каби бир қатор хизмат турлари ҳам жадал ривожланаяпти. Бу эса кўплаб янги иш ўринлари яратилишига туртки бермоқда. Демак, мамлакатимиз автомобилсозлик соҳаси жамиятнинг бошқа турдош соҳаларига ҳам ижобий таъсир ўтказиб, чекка ҳудудлардаги аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлаяпти.

"Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси билан Германиянинг "MAN Truck & Bus AG" компанияси ҳамкорлигида 2010 йилда Самарқандда ташкил қилинган "JV MAN Auto — Uzbekistan" қўшма корхонаси ҳам бугун республикамиз автомобилсозлик соҳасида ўз ўрнига эга. Заводда ишлаб чиқарилаётган оғир юк автомобилларидан халқ хўжалигининг қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги тармоғи йирик корхона ва ташкилотларида, уй-жой ҳамда коммунал, кимё, тоғ-кон, енгил саноат ва бошқа соҳаларда кенг фойдаланилмоқда.

Давлатимиз томонидан берилган имтиёз ҳамда кенг имкониятлардан фойдаланиб, "MAN" оғир юк кўтарувчи транспорт воситалари учун йилига 3 минг дона кабина ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳасини амалга оширганимиз мустақиллик байрамига ўзига хос туҳфа бўлди. Бунинг учун заводимизга Германия, Италия ва бошқа давлатлардан янги, замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди.

Албатта, бундай натижалар автомобилсозликка қаратилаётган катта эътибор, соҳа вакилларининг изланишлари, орттирилган бой тажриба маҳсулидир. Бинобарин, ўтган давр мобайнида ҳаммамиз учун қадрдон бўлиб қолган ушбу транспорт воситалари ҳаётимизнинг ажралмас бир қисми, миллий ғуруримизга айланди.

**Ёлқин КАБУЛНИЯЗОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, «JV MAN Auto — Uzbekistan» қўшма корхонаси бош директори.**

# Ўзбекистон Республикаси Олий судида

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Олий суд судьялари, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича вилоят ҳамда унга тенглаштирилган судлар раислари, Олий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, парламент аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ш. Ғозиев бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда қонун устуворлиги ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришда муҳим ўрин тутмоқда. Пировардида эса фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг самарадорлиги ортиб, жамиятда адолат барқарорлиги таъминланаяпти.

Мажлисда муҳокама этилган "Судлар томонидан вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз болалар таъминоти учун алимент ундиришга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида" ҳамда "Аризани қабул қилишни рад этиш, кўрмасдан қолдириш ва иш юритишдан тугатиш билан боғлиқ процессуал нормаларни қўллаш масалалари тўғрисида"ги Олий суд Пленуми қарорлари лойиҳалари ҳам мазмун-моҳияти билан инсон ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлаш, мазкур йўналишдаги қонунларни аниқ ва бир хилда қўллаш, ягона суд амалиётини шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Маълумки, юртимизда ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларининг кафолатли ҳимоясини таъминлашга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган. Хусусан, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ратификация қилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат — Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ҳам ана шундан далолат беради.

Бундан ташқари, мамлакатимиз бола ҳуқуқларига оид ўнга яқин халқаро шартномалар иштирокчиси ҳисобланади. Энг муҳими, Ўзбекистон халқаро конвенциялар орқали ўз зиммасига олган мажбуриятларни изчил бажариб келмоқда.

Конституциямизнинг 45-моддасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани белгилаб қўйилган. Унинг 64-моддасига биноан, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ҳамда жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш ҳамда ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради.

Вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз болаларнинг моддий таъминот олиш ҳуқуқини таъминлаш, бу борада Оила кодекси нормалари тўғри татбиқ этилиши бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида Олий суд Пленумининг ушбу қарори ишлаб чиқилди. Бундан кўзланган асосий мақсад — болаларнинг соғлом ҳамда ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишида ота-оналар масъул эканлиги, улар ўзларининг вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларини ҳар доим ижтимоий таъминлашга мажбурлигига судлар эътиборини қаратишдан иборатдир.

Қонун ҳужжатларига кўра, бу мажбуриятни ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан алимент фақат суд қарори асосида ундирилади.

Пленум қарорида алимент тўлаш билан боғлиқ бўлган низоларни ўз вақтида ҳамда тўғри ҳал қилиш болалар манфаатлари ҳимоясининг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланиши назарда тутилиб, судлар мазкур қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленум йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И. Абдуллаев иштирок этди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг жорий йил биринчи ярмида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти натижалари ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган кенгайтирилган Раёсат йиғилиши ҳам бўлиб ўтди.

Унда соҳани демократик асосда янада ислоҳ қилиш ҳамда эркинлаштиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Кейинги йилларда соҳага оид қабул қилинган қонун ҳужжатлари жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоялашда судлар ва ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари фаолияти самарадорлигини янада ошириш имконини бермоқда.

Президентимизнинг суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш, судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид фармонлари судьяларнинг билим ҳамда малакасини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришда дастуриламал бўлаяпти. Бу, ўз навбатида, суд ҳокимияти нуфузини ошириш ва аҳолининг судларга бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Судлар одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини муҳофаза этиш, ижтимоий адолат ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш борасида самарали фаолият юритиб келмоқда. Хусусан, 2016 йилнинг биринчи ярмида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 139 мингдан зиёд иш кўрилиб, уларнинг 87,9 фоизи юзасидан ҳал қилув қарорлари чиқарилди, шундан 88,5 фоизи бўйича талаблар қаноатлантирилди.

Жиноят ишлари бўйича судларнинг бу даврдаги фаолияти атрофлича таҳлил этилди. Яъни кўрилган муҳим чора-тадбирлар туфайли айрим жиноят турлари бўйича судланганлик кўрсаткичлари 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли даражада камайишига эришилди.

Судлар томонидан ярашув институти изчил қўлланилиши натижасида ҳисобот даврида 6934 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилгани ҳам бу йўналишдаги фаолиятнинг самарасидир.

Йиғилишда судлар фаолиятида йўл қўйилган айрим камчиликларни бартараф қилишга қаратилган аниқ кўрсатмалар берилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Биз дунёга чиқаяпмиз

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Масалан, менинг ўзим ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, "Қўли гулдир ўзбек аёлин", "Мустақил юрт ҳунармандлари" каби анъанавий кўргазма-савдо ярмаркаларида, "Ипак ва зираворлар" халқаро фестивалида қатнашиб келаяпман. "Ташаббус — 2016" кўрик-танловида иштирок этиб, вилоятда иккинчи ўринни эгалладим. Келинларим, қиз ҳамда набираларимга ҳам ушбу ҳунар сирларини ўргатганман. Бунинг ортидан кам бўлмадик.

Қувонарлиси, ҳунармандчилик нафақат катталар, балки ёшлар орасида ҳам кенг қулоч ёйиб бормоқда. Турли ютуқ ва муваффақиятларни қўлга киритиб, ҳунармандчилик намуналарини дунёга олиб чиқаётган ёшларимизни кўрганда, кўнглимизда фахр ҳисси уйғонади. Узоққа боришимиз шарт эмас, биргина маҳалламизда ҳунармандчилик билан ҳам оиласи, ҳам юртимиз фаровонлигига ҳисса қўшаётганлар кўп. Бешиксозлик, кулоллик, ёғоч ўймакорлиги ҳамда бошқа амалий санъат намуналари ёш авлод қалбига миллий анъаналаримизга содиқлик руҳи билан бирга сингиб бораётгани, айниқса, нур устига аъло нурдир.

Халқаро анъанавий фестиваль ва танловларда қатнашганимда, кўнглимни таърифлаб бўлмас ифтихор ҳисси қамраб олади. Дунёнинг ҳар бир нуқтасида ўзбек маҳсулотлари эътирофга лойиқ топилаётгани, харидорлар сони ортиб бораётгани мамлакатимизда соҳага қаратилаётган улкан эътибор ҳамда рағбатнинг юксак намунаси, деб айта оламан.

Шулар ҳақида ўйларканман, ҳунари ортидан кам бўлмаётган, аксинча, бундан обрў-эътибор топиб, эл-юрт ҳурматига сазовор ҳамкасбларим борлигидан қувониб, бундан фахрланаман.

**Замира АҲМЕДОВА,**
**ҳунарманд.**
Зарафшон шаҳри

ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Аукцион савдолар ўтказиш учун риэлторлик ва бошқа ихтисослаштирилган корхоналарни танлаш бўйича конкурс ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (2006 йил 30 сентябрь, рўйхат рақами 1625) буйруғи билан тасдиқланган Низомга асосан, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти суд ҳужжатлари ҳамда бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкларни аукцион савдолари орқали сотиш учун риэлторлик ҳамда бошқа ихтисослаштирилган корхоналар (кейинги ўринларда — савдо ташкилотчиси)ни танлаш тўғрисида 2016 йил 7 — 10, 30 июнь кунлари ўтказилган конкурс натижаларини эълон қилади.**

**Ғолиб савдо ташкилотлари:**

**Фарғона вилояти ҳудуди бўйича:**

*Риэлторлик ташкилотларидан:*
1. «EFFECT REAL GROUP» МЧЖ (Фарғона шаҳри, Шокиров кўчаси, 2/14-уй);
2. «OBIDA RIEL PROFFESIONAL» МЧЖ (Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 22-уй);
3. «VODIY MULK SAVDO» МЧЖ (Фарғона шаҳри, Тегирмон кўчаси, 217-уй);
4. «BEST REALTOR» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали (Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 13-уй);
5. «INVEST KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ (Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 22-уй, 3-хона).

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «FARG'ONA MULK SAVDO» МЧЖ (Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 22-уй, 3-хона);
2. «FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ (Фарғона шаҳри, Аҳмад Фарғоний кўчаси, 7-уй).

**Наманган вилояти ҳудуди бўйича:**

*Риэлторлик ташкилотларидан:*
1. «BEST REALTOR» МЧЖ Наманган минтақавий филиали (Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 13-уй);
2. «YUKSAK BROK INVEST» МЧЖ (Наманган шаҳри, Дўстлик кўчаси, 18-уй).

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «NAMANGAN MULK MARKAZI» МЧЖ (Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй);
2. «WEST AUTO GROUP» МЧЖ (Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй).

**Сирдарё вилояти ҳудуди бўйича:**

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «SIRDARYO MULK MARKAZI» МЧЖ (Гулистон шаҳри, 3-мавзе, Ўзбекистон кўчаси, 3-уй, 3-қават);
2. «SIRDARYO UNIVERSAL KIMOSHDI SAVDO» МЧЖ (Гулистон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 46-уй);
3. «AUTO GOLD GRANT» МЧЖ Жиззах вилояти филиали (Жиззах шаҳри, Заргарлик маҳалласи, 1-уй).

**Жиззах вилояти ҳудуди бўйича:**

*Риэлторлик ташкилотларидан:*
1. «JIZZAX REALTOR SERVIS» МЧЖ (Жиззах шаҳри, Қ. Имомов кўчаси, 1-уй);
2. «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Жиззах вилояти филиали (Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 39-уй).

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «AUTO GOLD GRANT» МЧЖ Жиззах вилояти филиали (Жиззах шаҳри, Заргарлик маҳалласи, 1-уй);
2. «JIZZAX MULK MARKAZI» МЧЖ (Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 39-уй).

**Самарқанд вилояти ҳудуди бўйича:**

*Риэлторлик ташкилотларидан:*
1. «BEST REALTOR» МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали (Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 13-уй);
2. «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ (Самарқанд шаҳри, Абу Райҳон Беруний кўчаси, 196-уй);
3. «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ (Самарқанд шаҳри, Маҳмуд Кошғарий кўчаси, 58-уй, 2-қават).

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «SAMARQAND MULK MARKAZI» МЧЖ (Самарқанд шаҳри, Маҳмуд Кошғарий кўчаси, 58-уй);
2. «AUTO GOLD GRANT» МЧЖ Самарқанд вилояти филиали (Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 91-уй).

**Тошкент шаҳар ҳудуди бўйича:**

*Риэлторлик ташкилотларидан:*
1. «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-3-1);
2. «UNIVERSAL REALTOR» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй);
3. «BEST REALTOR» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 13-уй);
4. «XORAZM KO'CHMAS MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ Чилонзор филиали (Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 42-уй);
5. «WARM REALTOR GROUP» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Толимаржон кўчаси, 2-уй);
6. «VIP REAL ESTATE» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй);
7. «KO'CHMAS MULK MENEJMENT KONSALTING» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй);
8. «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ (Тошкент шаҳри, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй);
9. «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали (Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй);
10. «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент минтақавий филиали (Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй).

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ (Тошкент шаҳри, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй);
2. «KIMOSHDI SAVDO SERVIS» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали (Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 42-уй);
3. «YASMIN GOLD AUTO» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Толимаржон кўчаси, 2-уй);
4. «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй);
5. «AUTO GOLD GRANT» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали (Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Обиҳаёт кўчаси, 26-«А» уй);
6. «AUTO MEGA TRADE» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Анорзор кўчасидаги бино);
7. «AUTO GARANT BUSINESS» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Дарвозакент 2-тор кўчаси, 16-уй);
8. «KO'P TARMOQLI IXTISOSLASHTIRILGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй);
9. «AGROSANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй).

**Тошкент вилояти ҳудуди бўйича:**

*Риэлторлик ташкилотларидан:*
1. «NEW ESTATE ACTION» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй);
2. «BEST REALTOR» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 13-уй);
3. «VIP REAL ESTATE» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй);
4. «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ (Тошкент шаҳри, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй);
5. «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент минтақавий филиали (Тошкент шаҳри, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй);
6. «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-3-1).

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «REAL AUKSION» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй);
2. «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй);
3. «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ Тошкент минтақавий филиали (Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй);
4. «AUTO MEGA TRADE» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Анорзор кўчасидаги бино);
5. «AUTO GARANT BUSINESS» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Дарвозакент 2-тор кўчаси, 16-уй);
6. «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ (Тошкент шаҳри, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй).

**Бухоро вилояти ҳудуди бўйича:**

*Риэлторлик ташкилотларидан:*
1. «BUXORO BEST REALTOR» МЧЖ (Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй);
2. «GOLDEN BUILD TRADING» МЧЖ (Бухоро шаҳри, Пиридастгир кўчаси, 12-«А» уй);
3. «REAL ESTATE BUSINESS» МЧЖ (Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 14-уй);
4. «ISHONCH MULK SAVDO» МЧЖ (Бухоро шаҳри, Пиридастгир кўчаси, 6/4);
5. «BUXORO SAVDO ZAMIN» МЧЖ (Бухоро шаҳри, Афросиёб кўчаси, 106-уй);
6. «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро вилояти филиали (Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй).

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Бухоро вилояти филиали (Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй);
2. «UNIVERSAL MULK BUXORO SAVDO» МЧЖ Бухоро вилояти филиали (Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 37/1-уй);
3. «BUXORO UNIVERSAL MULK SAVDO» МЧЖ Бухоро вилояти филиали (Бухоро шаҳри, Ҳамза кўчаси, 7-«А» уй);
4. «AGROSANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ Бухоро филиали (Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй);
5. «БУХОРО ҲАМКОРЛИК САВДО» МЧЖ (Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 12-уй).

**Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди бўйича:**

*Риэлторлик ташкилотларидан:*
1. «UNIVERSAL REALTOR» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали (Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй);
2. «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали (Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй).

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «AGROSANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали (Нукус шаҳри, АмирТемур кўчаси, 122-уй);
2. «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали (Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 122-уй);
3. «QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖ (Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй).

**Хоразм вилояти ҳудуди бўйича:**

*Риэлторлик ташкилотларидан:*
1. «XORAZM KO'CHMAS MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ (Урганч шаҳри, Беруний кўчаси, 15-уй, 1-йўлак);
2. «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Хоразм вилояти филиали (Урганч шаҳри, Йўлдош Бобожонов кўчаси, 23-уй).

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «XORAZM MULK MARKAZI» МЧЖ (Урганч шаҳри, Йўлдош Бобожонов кўчаси, 23-уй);
2. «AGROSANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ Хоразм филиали (Урганч шаҳри, Абулфайз Баҳодирхон кўчаси, 185-уй);
3. «ELIT KIMOSHDI SAVDO» МЧЖ (Урганч шаҳри, Комилжон Отаниёзов кўчаси, 61-уй, 98-хонадон);
4. «MUHTASHAM MULK MARKAZI» МЧЖ (Урганч шаҳри, Абулфайз Баҳодирхон кўчаси, 183-уй);
5. «KIMOSHDI SAVDO SERVIS» МЧЖ (Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уй).

**Қашқадарё вилояти ҳудуди бўйича:**

*Риэлторлик ташкилотларидан:*
1. «BEST REALTOR» МЧЖ Қашқадарё филиали (Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 13-уй);
2. «QASHQADARYO UNIVERSAL REALTOR» МЧЖ (Қарши тумани, Мирмирон ҳудуди);
3. «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали (Қарши шаҳри, Тошсарой кўчаси).

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «QASHQADARYO MULK MARKAZI» МЧЖ (Қарши шаҳри, Тошсарой кўчаси, 20-уй);
2. «AUTO SENTINEL» МЧЖ (Қарши тумани, Мирмирон ҳудуди);
3. «AGROSANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ Қашқадарё филиали (Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 47 уй).

**Сурхондарё вилояти ҳудуди бўйича:**

*Риэлторлик ташкилотларидан:*
1. «BEST REALTOR» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали (Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй);
2. «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали (Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 32-уй).

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали (Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй);
2. «SURXONDARYO MULK MARKAZI» МЧЖ (Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 32-уй).

**Андижон вилояти ҳудуди бўйича:**

*Риэлторлик ташкилотларидан:*
1. «RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖ (Андижон шаҳри, Бобур шоҳкўчаси, 53-уй);
2. «ATLANTIC-GULF GROUP» МЧЖ Андижон вилояти филиали (Андижон шаҳри, Миллий тикланиш кўчаси, 36-уй);
3. «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Андижон вилояти филиали (Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71-уй).

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «MULK TRANS SAVDO» МЧЖ Андижон вилояти филиали (Андижон шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 14-уй);
2. «AGROSANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ Андижон вилояти филиали (Андижон шаҳри, Миллий тикланиш кўчаси, 36-уй);
3. «ANDIJON MULK MARKAZI» МЧЖ (Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71-уй).

**Навоий вилояти ҳудуди бўйича:**

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Навоий вилояти филиали (Навоий шаҳри, Жасорат (соб. П. Очилов) кўчаси, 23-уй);
2. «AUTO GOLD GRANT» МЧЖ Навоий вилояти филиали (Навоий шаҳри, Жасорат (соб. П. Очилов) кўчаси, 23-уй);
3. «NAVOIY MULK MARKAZI» МЧЖ (Навоий шаҳри, Жасорат (соб. П. Очилов) кўчаси, 24-уй).

Риэлторлик ташкилотлари кўчмас мулк объектлари бўйича аукцион савдоларини ўтказиш учун конкурс ғолиби, деб топилиб, аукцион савдоларини ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ихтисослаштирилган ташкилотлар автомототранспорт воситалари ҳамда бошқа мол-мулклар бўйича (кўчмас мулк объектлари бундан мустасно) аукцион савдоларини ўтказиш учун конкурс ғолиби, деб топилиб, аукцион савдоларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлди.

**Конкурс (танлов)дан ўта олмаган савдо ташкилотлари:**

**Навоий вилояти ҳудуди бўйича:**

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «JAHON TRANS AVTO» МЧЖ (Навоий вилояти, Кармана тумани, Халқлар дўстлиги кўчаси, 29-уй).

**Тошкент шаҳар ҳудуди бўйича:**

*Риэлторлик ташкилотларидан:*
1. «NEW ESTATE ACTION» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй);
2. «ATLANTIC-GULF GROUP» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир 2-пр., 2-«А» уй);
3. «RIELTOR ROBIYA» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 74-уй);
4. «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй);
5. «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй).

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «REAL AUKSION» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй);
2. «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй);
3. «TRUST AUTO TRADE AUCTION» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон майдони, 13-«А» уй);
4. «PREMIER ACCORD» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-«А» уй);
5. «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ «Пойтахт» филиали (Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 34-уй).

**Бухоро вилояти ҳудуди бўйича:**

*Риэлторлик ташкилотларидан:*
1. «SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ (Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй);
2. «ATLANTIC-GULF GROUP» МЧЖ Бухоро вилояти филиали (Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир 2-пр., 2-«А» уй).

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «TRANS GARANT SAVDO» МЧЖ (Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй);
2. «GLOBAL SAVDO FAYZ BUXARA» МЧЖ (Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 12-уй);
3. «BUXORO MULK MARKAZI» МЧЖ (Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй).

**Андижон вилояти ҳудуди бўйича:**

*Риэлторлик ташкилотларидан:*
1. «JAHON RIELTOR» МЧЖ (Андижон шаҳри, Н. Тўхтасинов кўчаси, 27-уй);
2. «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилояти филиали (Тошкент шаҳри, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй);
3. «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиали (Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй).

**Самарқанд вилояти ҳудуди бўйича:**

*Риэлторлик ташкилотларидан:*
1. «ATLANTIC-GULF GROUP» МЧЖ Самарқанд филиали (Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир 2-пр., 2-«А» уй).

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «AGROSANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ Самарқанд филиали (Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй).

**Наманган вилояти ҳудуди бўйича:**

*Риэлторлик ташкилотларидан:*
1. «NAMANGAN REALTOR SAVDO» МЧЖ (Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй);
2. «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган филиали (Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй).

**Фарғона вилояти ҳудуди бўйича:**

Риэлторлик ташкилотларидан:
1. «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилояти филиали (Фарғона шаҳри, Аҳмад Фарғоний кўчаси, 7-уй, 38-хона);
2. «ATLANTIC-GULF GROUP» МЧЖ Фарғона вилояти филиали (Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 58-уй, 1-қават).

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «AGROSANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ Фарғона вилояти филиали (Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй).

**Тошкент вилояти ҳудуди бўйича:**

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «TRUST AUTO TRADE AUCTION» МЧЖ (Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон майдони, 13-«А» уй).

**Хоразм вилояти ҳудуди бўйича:**

*Риэлторлик ташкилотларидан:*
1. «KHOREZM REALTORS GROUP» МЧЖ (Урганч шаҳри, Абулфайз Баҳодирхон кўчаси, 183-уй).

**Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди бўйича:**

*Риэлторлик ташкилотларидан:*
1. «ATLANTIC-GULF GROUP» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали (Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 122-уй).

**Қашқадарё вилояти ҳудуди бўйича:**

*Риэлторлик ташкилотларидан:*
1. «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ (Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй);

*Ихтисослаштирилган ташкилотлардан:*
1. «QASHQADARYO RIELT UNIVERSAL» МЧЖ (Қарши шаҳри, Ғузор кўчаси, 4-уй);
2. «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Қашқадарё филиали (Қарши шаҳри, Жайҳун кўчаси, 20-уй).

*1036А/469*

# Кўзлари ёниб турган ёшлар

## таянчимиз, суянчимиз, ғуруримиздир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу ўринда эртамиз эгаларининг қизиқиш ва интилишлари, ташаббусларини рўёбга чиқаришда нафақат давлат муассасалари, балки фуқаролик жамияти институтларининг ҳам фаол қатнашаётганини қайд этиш жоиз. Бу механизмлар, ўз навбатида, мустақиллик йилларида "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили", "Соғлом бола йили" Давлат дастурларини самарали амалга оширишнинг муҳим омили бўлди. Ушбу дастурлар ижроси доирасида соғлом ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш билан боғлиқ жуда кўп чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди. 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчиллигидан далолатдир.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда "Камолот" ЁИҲ муносиб иштирок этмоқда.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан 2001 йилнинг 25 апрелида бўлиб ўтган таъсис Қурултойида Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати тузилган эди. Айни ўша дамда кўп миллатли юртимиз ёшларининг хоҳиш-иродаси, интилишларини ифодалаши лозим бўлган мазкур йирик ташкилот зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилди. Ўтган ўн беш йил мобайнида Ҳаракат ўғил-қизларни Ватан равнақи йўлида бирлаштириш, ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг касб-ҳунар эгаллаши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини намоён қилиши учун қатор мақсадли лойиҳаларни амалга ошириб келаётир.

Ҳозирги кунда ташкилотга 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган тўрт миллиондан ортиқ йигит-қизлар аъзо. "Камолот" ЁИҲ сафларида Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Ниҳол" мукофоти, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси ҳамда Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий номидаги қатор давлат стипендиялари соҳиблари, жаҳон ва Олимпиада чемпионлари, ёш тадбиркорлар, истеъдодию қобилияти билан халқаро мусиқа фестиваллари, фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ғолиблари бўлган ёшларнинг кўпайиб бораётгани эътиборга молик.

Бугун "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кириб бормаган соҳа йўқ, десак, муболаға эмас. Барча ўқув муассасаси, мулкчилик шаклидан қатъи назар, кўплаб корхоналар, хўжаликлар, давлат, жамоат ҳамда нодавлат ташкилотлар, муассасаларда 15 минг 600 дан зиёд бошланғич ташкилот эртамиз эгаларини ўз сафига бирлаштирган. Ҳаракат турли лойиҳалар орқали ёшларнинг кенг қатламига кириб бормоқда. Мазкур тизимдаги "Камалак" болалар ташкилотининг эса 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган 2 миллион нафардан зиёд аъзоси бор.

Ҳаракат бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликда ёшлар учун қизиқарли лойиҳаларни амалга ошириб келаётир. Шу ўринда, уларнинг айримларига тўхталиб ўтсак.

Охирги беш йил мобайнида Ҳаракатнинг биргина ижтимоий-ҳуқуқий соҳадаги лойиҳалари салмоғи 5 карра, иштирокчилар сони 8, ижтимоий ҳамкорлари сони эса 2 баробар кўпайди. Мактаб ўқувчилари ўртасидаги "Ҳуқуқ билимдонлари", академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасидаги "Сиз қонунни биласизми?" ва талабаларнинг "Тафаккур синовлари" республика кўрик-танловлари доирасида бугунги Ўзбекистон ёшлари мамлакатни демократик янгилаш, қонун лойиҳалари муҳокамаларида бевосита қатнашмоқдалар.

Дунёнинг айрим давлатларида нотинчлик ҳукм сураётган, ижтимоий талафот, қарама-қаршиликлар давом этаётган ҳозирги таҳликали замонда ёшларда Ватанимиз хавфсизлигини таъминлаш учун масъулиятни кучайтириш, ватанпарварлик ҳисси ҳамда ҳарбий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳалар — "Ёш чегарачи", "Шунқорлар", "Ёш қутқарувчи" мусобақаларининг аҳамияти янада ортмоқда.

Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш бўйича ҳам бир қатор лойиҳалар самарали ўтказилаётир. Хусусан, "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" ва "Менинг бизнес ғоям" танловлари орқали ҳар йили кўплаб йигит-қизлар ўз бизнесини бошлаш ёки кенгайтириш учун тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини олишга муяссар бўлаяпти. Биргина 2016 йилнинг ўзида "Менинг бизнес ғоям" танловининг ҳудудий босқичларида фаоллик кўрсатган 518 нафар иштирокчига 6,1 миллиард сўм, республика босқичида қатнашган 150 нафар ёшга эса 2 миллиард сўмдан зиёд миқдорда имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Ҳаракатнинг ҳудудий Кенгашлари қошида 76 та "Ёш тадбиркор" консультатив маркази фаолияти йўлга қўйилган.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ёшларни, уй у ёқда турсин, иш билан таъминлаш ҳам мушкул муаммо бўлиб турган бир пайтда Ўзбекистонда 2014 йилдан "Камолот" уйлари барпо этила бошланди. Бири-биридан кўркам ҳамда замонавий бундай хонадонлар юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб келаётган ёш оилаларга имтиёзли ипотека кредитлари эвазига берилаяпти. Жумладан, бугунгача фойдаланишга топширилган 57 та "Камолот" уйига 2 мингдан зиёд ёш оила кўчиб кирди.

"Юрт келажаги" иқтидорли ёшлар танлови, "Камалак" юлдузлари" болалар ижодиёти фестивали, "Интеллектуал", "Юлдузча" лойиҳалари, "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" шиори остидаги саломатлик ҳаракати, "Камолот" — TUR" ёшлар веломарафони, бадиий гимнастика бўйича "Камолот" ғунчалари", "Камолот" шахмат тахтаси" очиқ турнирлари сингари тадбирлар доирасида истеъдодли йигит-қизларни кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ёшлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган лойиҳалардан яна бири "Камолот" кутубхонаси"-дир. Уларда китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган мазкур лойиҳа доирасида ўзбек ва жаҳон адабиётининг 100 та энг сара намунаси Ҳаракат томонидан чоп қилинаяпти. Бу асарлар ҳар бир ҳудудда ташкил этилган "Камолот" китоб дўконлари орқали ўқувчилар қўлига етиб бормоқда.

Юртбошимизнинг "Мен ёш авлодимизга, менинг болаларимга қарата бўш келманглар, эртанги кун бизники, марра бизники, деб бежиз, асоссиз айтмайман. Бунинг чуқур маъно-мазмуни шундаки, вақт, йиллар ўтиши билан бизнинг сафимизни ким тўлдирмоқда? Аввало, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга бўлган, янгича, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, ўзини намойиш этишга қодир бўлган навқирон ўғил-қизларимиз. Кўзлари ёниб турган бундай ёшларимизни яна қаерда — қайси давлат, қайси юртда топиш мумкин", деган сўзлари ҳар биримизни беҳад тўлқинлантириб, эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшишга ундайди. Зеро, Ўзбекистон — орзу-мақсадлари ушалаётган бахтли ёшлар мамлакати!

**Сарвар АШУРОВ,**
**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси ўринбосари.**

---

Ўзбекистон спорт делегацияси XXXI ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун 1 август куни Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрига жўнаб кетди.

Шу муносабат билан Тошкент халқаро аэропортида ўтказилган маросимда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, спорт жамоатчилиги вакиллари, спортчиларнинг ота-оналари, оммавий ахборот воситалари ходимлари жам бўлди.

# ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ БРАЗИЛИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси М. Усмонов, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси бош директори В. Тян ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор профессионал спортчиларни тарбиялашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Бунинг самарасида спортчиларимиз нуфузли мусобақалар — Олимпия ҳамда Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида юқори натижаларга эришаётир.

Ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш, унда ўз Ватани шарафини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчининг энг эзгу орзусидир. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, спортчиларимиз мазкур нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик кўрди.

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтадиган бу галги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчилари академик эшкак эшиш, бадиий гимнастика, байдарка ҳамда каноэда эшкак эшиш, бокс, дзюдо, енгил атлетика, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), теннис, трамполин, ўқ отиш, эркин ва юнон-рум кураши каби қатор спорт турлари бўйича баҳслашади.

Президентимизнинг 2016 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёргарлиги ва иштироки тўғрисидаги қарори олимпиячиларимизнинг тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида муносиб қатнашишини таъминлашга хизмат қилади.

— Халқаро майдондаги нуфузли мусобақаларда, хусусан, Олимпия ўйинларида қатнашаётган ҳар бир спортчи ортида ўзини шундай юксак даражага етказган Ватани, халқи турганини, уларнинг ишончини оқлаш бурчи эканини чин дилдан ҳис қилади, — дейди стол тенниси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Зоҳид Кенжаев. — Мана шу туйғу биз, спортчиларга куч-қувват ҳамда ишонч бағишлайди. Биз Олимпиадада муваффақиятли иштирок этиб, Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

— Спортчиларимиз эришаётган юксак натижалар мамлакатимизда маҳоратли спортчиларни тарбиялаш тизими тўғри йўлга қўйилгани самарасидир, — дейди таэквондо (WTF) бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Александр Ким. — Ишонамизки, XXXI ёзги Олимпия ўйинларида спортчиларимиз ўз маҳоратини намойиш этиб, ҳеч кимдан кам эмаслигини ҳамда кам бўлмаслигини яна бир бор исботлайди. Олимпиячиларимиз халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик шодиёнасига муносиб совғалар тайёрлаши, шубҳасиз.

— Биз, спортчилар учун давлатимиз байроғини янада юксакларга кўтариш энг катта бахтдир. Халқаро майдондаги ғалабаларимиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграшига бор куч ва салоҳиятимизни ишга соламиз, — дейди енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Екатерина Воронина.

Спортчилар номидан сўзга чиққан дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Соиб Қурбонов ҳамда Гулноза Матниёзова, оғир атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Иван Ефремов Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантириш, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдириб, Олимпия ўйинларида халқимиз ва Президентимизнинг ишончини оқлашга, Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига муносиб совға билан қайтишга ваъда берди.

Ўзбекистон спорт делегацияси Рио-де-Жанейро шаҳрига "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг махсус самолётида жўнаб кетди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ, Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбирлари.**

---

# Кучли билим ва заковат эгаларига омад кулиб боқади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Талаба бўлиш орзусида олий ўқув юртларига ҳужжат топшириб, 1 август куни тест синовларида қатнашган минглаб ёшлар тимсолида ҳам буни яна бир карра кўриш мумкин.

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбарининг шу йил 26 майдаги "2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги қарорига асосан, олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилиш квотаси белгилаб берилди. Унга мувофиқ, жорий ўқув йилида олий таълимнинг бакалавриат йўналиши учун 57 минг 907 ўрин ажратилди. Шундан абитуриентлар орасидан 19 минг 120 нафари давлат гранти, 38 минг 787 нафари эса тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади. Бундан ташқари, махсус сиртқи таълим шакли бўйича Тошкент кимё-технология институтининг Қўнғирот бўлимига 65 нафар, Тошкент ахборот технологиялари университетига эса 50 нафар ўғил-қиз талабаликка олиниши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази маълумотига кўра, жорий йилда олий ўқув юртларига 663 минг 298 нафар абитуриент ҳужжат топширди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан таққосланса, бу гал таълим даргоҳларига 57 минг 462 нафар кўп абитуриент ҳужжат тақдим этганлиги аён бўлади.

Тест жараёнлари қандай ўтаётганлигини яқиндан кузатиш мақсадида пойтахтимиздаги бир қанча олий ўқув юртларига бордик. Даставвал янги ташкил қилинган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бўлиб ўтаётган кириш имтиҳонларини бевосита кузатдик.

— Юртбошимизнинг шу йил 13 майдаги "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони мамлакатимиз илмий жамоатчилиги, таълим соҳаси фидойилари, мустақил ҳаётга улуғ ниятлар ила қадам қўяётган йигит-қизлар, қисқаси, барча юртдошимиз томонидан катта қувонч билан кутиб олинди, — дейди мазкур таълим маскани қабул комиссияси масъул котиби Абдулҳай Собиров. — Университетимизда бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул квотасига мувофиқ, 300 та ўрин ажратилди. Жумладан, давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида тенг миқдорда — 150 нафардан абитуриентни талабаликка қабул қилиш белгиланган. Бу юртимизда она тилимизнинг бундан-да равнақ топиши йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Эътиборлиси, ёшларнинг ҳужжат топширишга интилиши ҳам юқори бўлди. Бу йилги илк қабулда 5034 нафар ўғил-қиздан ариза келиб тушди. Бир ўринга ўртача танлов қарийб 17 тани ташкил қилди.

Имтиҳон учун ажратилган аудиториялар қулай ҳамда шинам.



Ёшлар қунт билан тест саволларини ечишаяпти. Уларнинг айримлари белгиланган муддат якунига етмасданоқ барча саволга жавоб бериб чиқаётгани эътиборимизни тортди.

— Адабиёт жону дилим, — дейди Сурхондарё вилоятининг Денов туманидан келган абитуриент Малоҳат Хушназарова. — Болаликдан китоб мутолаасига қизиқишим юқори. Ушбу университет ташкил этилганини эшитиб, жуда қувондим ва ҳужжатларимни шу даргоҳга топширдим. Астойдил тайёргарлик кўрдим. Билимимга таяниб, тест саволларига қийналмай жавоб бердим. Насиб қилса, талабалик бахтига муяссар бўламан.

Бизнинг кейинги манзилимиз — Ўзбекистон Миллий университети. Бу ерда қабул комиссиясига 12 минг 659 киши ариза топширган. Олий ўқув юртининг бакалавр таълим йўналишига 1 минг 324 нафар йигит-қиз талабаликка қабул қилиниши ҳисобга олинса, бир ўринга танлов ўртача 9 тани ташкил этди.

— Таълим даргоҳимизда абитуриентлар тест синовларини муваффақиятли топширишлари учун барча зарур қулайлик яратилди, — дейди ЎзМУ қабул комиссияси масъул котиби Ҳожиакбар Долиев. — Кириш имтиҳонлари 14 та бинода ўтказилди. Ҳар бир бинода махсус штаб ташкил қилинган бўлиб, хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, зарур ҳолларда, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли соҳа ходимлари жалб этилди. Тест синовлари кўнгилдагидек ўтганидан хурсандмиз. Ишончимиз комилки, кучли билим эгаларига, албатта, омад кулиб боқади.

Давлат тест марказидан билдиришларича, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларида тест синовлари адолатли ўтиши учун барча шарт-шароит яратилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

---


## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

2016 йил 15 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан 7977-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Ўнқўрғон» ҚФЙ, Узумзор кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий яшаш майдони 144,30 кв. м.дан иборат бўлган тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 140 625 000 сўм.***

**2.** Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан 2472-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Матқобулов» ҚФЙ, Янгиҳаёт кўчасида жойлашган, умумий майдони 628,07 кв. м.дан иборат бўлган қурилиши тугалланмаган 9-уй.

***Бошланғич баҳоси — 157 619 714 сўм.***

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ҳамда савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universalbank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050001, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши лозим.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (0-371) 233-09-38, ички телефон: 258.**

Хизматлар лицензияланган.

1131R/366


ЭЪЛОНЛАР


## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

### Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси, Кегейли тумани СИБ томонидан ЖИБ Кегейли тумани судининг 2013 йил 4 декабрдаги 2-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кегейли тумани, «Қизил уй» ОФЙда жойлашган, умумий майдони 5,2 гектар бўлган, колбаса ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 2 қаватли цех биноси ва ундаги колбаса ишлаб чиқарувчи жиҳозлар мулкий мажмуа сифатида такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 495 115 484 сўм 49 тийин.***

Аукцион савдоси 2016 йил 17 август куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 15 август куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиалининг АТБ «Туронбанк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1134R/180


Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси Кадрлар менежменти кафедраси профессори **Гулчеҳра НАЗАРОВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 767. 75 805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.25 1 2 3 4 5 6